

## **PROTIA™ Allergy-Q® 96 М усулида аллергенлик сенсибилизация даражасини аниқлаш**

**Разикова И. С., Кузиев Г. Э., Дустбабаева Н. Д., Байбекова В. Ф.,  
Айдарова Н. П.**

**Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий аллергология ва  
клиник иммунология тиббиёт маркази**

Дунё ахолисининг тахминан 40% аллергик касалликдан азият чекмоқда. Беморларнинг хар учтасидан бирида аллергик ринит, ўнтадан бирида бронхиал астма ташхиси қўйилган. Эркакларнинг 35%, аёлларнинг 65% ва болаларнинг 64% озиқ-овқат аллергиясига мойил. Касаллик статистикаси барқарор ва у ўсиб бормоқда. Бронхиал астма, аллергик ринит ва атопик дерматит каби аллергик касалликларнинг тарқалиши бутун дунё бўйлаб тез суръатда ўсиб бормоқда. Бироқ, аллергик касалликларнинг тарқалиши ёшга, жинсга ва миллатга боғлиқ. Тарқалишдаги бу фарқ генетик мойиллик, шунингдек, миңтақавий ва маданий омиллар билан хам боғлиқдир. Беморда сабабчи аллергенларни аниқлаш аллергик касалликларга ташхис қўйиш учун жуда муҳимдир. Тери синамалари ёрдамида сабабчи аллергенларни аниқлаш бутун дунёда кенг тарқалган усул хисоблансада, бу усул узига хос қарши кўрсатмаларга эга. Бемор қонида аллергенга хос иммуноглобулин E (sIgE) аниқлаш орқали касаллик келтириб чиқарувчи сабабчи аллерген тўғрисида маълумотлар олиш мумкин [1].

Иммуноблот – электрофорез ва иммунофермент анализлари комбинациясига асосланган оқсилларни аниқлашнинг жуда сезгир усулидир. PROTIA™ Allergy-Q® иммунофермент анализи бир вақтнинг ўзида кўплаб аллергенлар учун маҳсус иммуноглобулин E (sIgE)ни аниқлаш имконини берувчи охирги йилларда ишлаб чиқарилган усулидир [1,2].

РИАКИИАТМда PROTIA™ Allergy-Q® 96 М панелида bemorlarغا текширувлар ўтқазилди. Текширувдан ўтган 202 та bemordagi сенсибилизация спектри, кесишувчи реакциялар ўрганилиб чиқилди.

**Тадқиқот усули:** Республика ихтисослаштирилган аллергология ва клиник иммунология илмий-амалий тиббиёт марказида PROTIA™ Allergy-Q® 96M тести орқали 202 нафар bemorda аллергенлик сенсибилизация спектри ўрганилди. Bemorlar ёшга кўра 4 гурухга бўлинди: 5 ёшгача бўлган болалар 49ta (24.3%); 6-18 ёш – 64ta (31.7%); 19 – 45 ёш – 57ta (28,2 %) ва 45 ёшдан


кatta – 32ta (15.8 %). Шундан аёллар – 108 ta ( 53%) ва эркаклар 94 ta ( 47 %). Вилоятлар кесимида: Бухоро вилоятидан - 10 ta (5 %), Андижон, Сирдарё, Фарғона вилоятларидан 2 ta (1%), Қашқадарё, Сурхандарё вилоятларидан 6 ta (6%), Хоразм, Самарқанд вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан – 6 тадан (3 %), Жиззах ва Наманган вилоятларидан – 8 тадан (4 %) Тошкент шаҳридан – 54 ta (27%), Тошкент вилоятидан – 55ta (27 %), Қашқадарё вилоятидан – 19 ta (9 %), Навоий вилоятидан – 11 ta (5 %), Сурхандарё вилоятидан -13 ta (6 %) текширувдан ўтган. Беморларнинг қон зардобида 90 турдаги аллерген ва шу жумладан умумий IgE даражасини аниқланди.

**Тадқиқот объектлари:** 202 нафар аллергологик анамнезга эга bemorlar текширувлардан ўтди. Шундан, аллергик ринит ва риноконъюктивит 56 ta ( 27% ), аллергик қаварчиқлар + квинке шиши 40 ta (20 % ), атопик дерматит 2 ta (1 %), бронхиал астма 39 ta (19 %), ўткир ва сурункали обструктив бронхит аллергик компонент билан 45 (22%), инсект аллергия (2) , текшириш учун 15ta (7%) ва дори аллергияси 5 ta (2% ) ташхиси қўйилган bemorlar қон тахлиллари текширилди.

**Натижалар:** PROTIA™ Allergy-Q® 96 M панелида 90 ta аллергенлар мавжуд бўлиб уларни бир неча гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1) Уй чангига ва каначалар аллергенлари
- 2) Дараҳтлар ва ўсимлик чангчалар аллергенлари
- 3) Мева, сабзовотлар ва дуқакклилар аллергенлари
- 4) Хашоротлар аллергенлари
- 5) Хайвонлар ва уларнинг маҳсулотлари
- 6) Латекс

Умумий IgE курсаткичи буйинча куйидаги натижалар кайд этилди :




Иммуноглобулин Е ўта юқори 1000 дан юқори күрсаткыч чиққан беморларнинг 33 тасида ( 77%) респиратор аллергик, 32% да тери аллергик, 1% да бошка ташхис қўйилган.

Энг кўп сенсибилизация даражасига эга аллергенлар ўрганилганда қўйдаги натижалар қайд этилди.

	Аллерген номи	Код	Умумий аниқланган bemorlar (%)	Беморлар ёши (%)			
				5 ёшгача (%)	6- 18 ёш (%)	19-45 ёш (%)	45 ёшдан катталар (%)
<b>1</b>	Гуруч	f9	<b>63</b>	<b>69</b>	<b>66</b>	<b>63</b>	<b>39</b>
<b>2</b>	Ўсимликлар мажмуаси	g1	<b>58</b>	<b>49</b>	<b>66</b>	<b>61</b>	<b>44</b>
<b>3</b>	Ерёнгоқ	f13	<b>56</b>	<b>55</b>	<b>65</b>	<b>49</b>	<b>35</b>
<b>4</b>	Мушук эпителийси	e1	<b>53</b>	<b>53</b>	<b>53</b>	<b>59</b>	<b>30</b>
<b>5</b>	Тимоти ўти	g6	<b>50</b>	<b>37</b>	<b>62</b>	<b>52</b>	<b>35</b>
<b>6</b>	Амброзия	w1	<b>50</b>	<b>49</b>	<b>58</b>	<b>46</b>	<b>39</b>
<b>7</b>	Картошка	f35	<b>49</b>	<b>51</b>	<b>54</b>	<b>47</b>	<b>34</b>
<b>8</b>	Ольха	t2	<b>49</b>	<b>49</b>	<b>52</b>	<b>49</b>	<b>35</b>
<b>9</b>	Шувоқ	w6	<b>49</b>	<b>47</b>	<b>55</b>	<b>47</b>	<b>48</b>
<b>10</b>	Aspergillus fumigatus	m3	<b>49</b>	<b>47</b>	<b>52</b>	<b>47</b>	<b>35</b>
<b>11</b>	Золотарник	w12	<b>47</b>	<b>45</b>	<b>55</b>	<b>37</b>	<b>44</b>
<b>12</b>	Арпа	g12	<b>46</b>	<b>37</b>	<b>56</b>	<b>47</b>	<b>30</b>
<b>13</b>	Candida albicans	m5	<b>45</b>	<b>45</b>	<b>38</b>	<b>56</b>	<b>39</b>
<b>14</b>	Зольник	w11	<b>44</b>	<b>34</b>	<b>29</b>	<b>71</b>	<b>23</b>
<b>15</b>	Арпа уни	f6	<b>44</b>	<b>14</b>	<b>7</b>	<b>35</b>	<b>17</b>
<b>16</b>	Суварак	i6	<b>43</b>	<b>37</b>	<b>51</b>	<b>38</b>	<b>34</b>
<b>17</b>	Тол	t12	<b>43</b>	<b>37</b>	<b>28</b>	<b>66</b>	<b>43</b>
<b>18</b>	Оқ шумтол	t15	<b>43</b>	<b>39</b>	<b>52</b>	<b>37</b>	<b>44</b>
<b>19</b>	D. farinae	d2	<b>41</b>	<b>41</b>	<b>37</b>	<b>51</b>	<b>30</b>
<b>20</b>	Латекс	k82	<b>41</b>	<b>41</b>	<b>44</b>	<b>41</b>	<b>35</b>


Юқоридаги жадвалдаги тахлиллар орасида энг кўп учрайдиган 20 та аллергенлар келтирилган. Жадвалда уларнинг ижобий натижа кўрсатган

беморларнинг умумий касаллар сонига нисбатан фоизи ва шу bemorlarning ёшлар гурухларида канча микдорда учраши кўрсатилган. Беморлар орасида гуруч чанги f 9 аллергени энг кўп 63% bemorlarda кузатилди. Гуруч таркибида 10 га яқин аллергик реакция чакиравчи оксилилар мавжуд бўлиб, тахлилда f 9 оқсили ўрганилди. Чет эл адабиётлари ўрганилганда Хиндистондаги текширувларда 65 % bemorlarda гуручга нисбатан қонда маҳсус IgE аниқланган [3]. Кейинги ўринда мавсумий ўсимликлар жамламаси аллергени 58% bemorlarda кузатилди. Озиқ овқат маҳсулотларидан энг кўп сезувчанлик ерёнгоқ аллергенига кузатилиб – 56 % bemorlarda аниқланди. Дунё адабиётларида хам ерёнгоқ асосий 8 та аллергенининг бири хисобланади. Хайвонлар орасидан энг кўп сезувчанлик мушук антигенига - 53% bemorlarda аниқланди. Xусусан, Россия адабиётларида текширувларда мушук антигенларига сезувчанлик 57,3% bemorlarda кузатилган. Бу кўрсаткич хам дунё статистик маълумотларига мос келади [4]. Тимоти ўти энг аллергенлиги юқори бўлган ўсимлик чангчаларига эга бўлиб жаҳон адабиётида ахолининг 16–63% да сенсиблизация кузатилиши мумкин [5,6]. Куйида аллергенларга нисбатан сезувчанлик схематик равишда кўрсатиб ўтилган.



Ёш кесимида тахлил қиласак 5 ёшгача бўлган bemorlarда гуруч, мушук эпителийсига 6-18 ёшгача бўлганларда ўсимлик ва дараҳт чангчалари, Aspergillus fumigatus, суварак антигенларига нисбатан сезувчанлик кўпроқ кузатилган. 46 ёшдан кейин бу кўрсаткичлар кескин

камайганлигини кузатишимииз мумкин. Уй чанги каначалари D. Farinae ва Candida albicans аллергенларига сезувчанлик 19-45 ёшлар орасида күпроқ кузатилди. 46 ёшдан кейин барча маҳсулотларга нисбатан сезувчанлик камайганини кўришимиз мумкин.



Гуруч аллергенига нисбатан сезувчанлик 80% холатда паст ва жуда паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Ўртacha ва оғир даражали сезувчанлик күпроқ каначалар чанги d2, мушук эпителийси ва ерёнфоқ аллергенларига нисбатан кузатилди. Уй каначалар чангасига сезувчанлик d2 аллергенида (83 та) d1 га (32 та) нисбатан күпроқ кузатилди.

Тахлил натижалари буйинча энг кам аллергия кузатилган аллергенлар рўйхати:

Усимлик номии	Умумий аниқланган беморлар сони	Сезувчанлик аниқланганларнинг ёши (%)			
		5 ёшгача (%)	5 ёшгача (%)	5 ёшгача (%)	45 ёшдан катталар, %
Новвой хамиртуруши	0	0	0	0	0
Тунец/Лосось балифи	0	0	0	0	0
Лобстер / кальмар	1	1	0	0	0
Хомяк	1	1	0	0	0

От	1	0	1	0	0
Сичқон	1	0	1	0	0
Қўй эпителеси	2	0	2	0	0
Товуқ гўшти	3	1	1	1	0
Қўй гўшти	3	1	2	0	0

Кизикарлиси мол гўштига аллергия 32 та беморда кузатилган , товук гўшти ва қўй гўштига нисбатан бу кўрсаткичлар жуда кам булиб 3 та беморда кузатилган. Нонвой хамиртуруши ва тунец/ласось балиғига умуман сезувчанлик аниқланмаган. Гўшт махсулотларидан чўчқа гўштига сезувчанлик 41 % беморларда кузатилган. Озиқ овқат махсулотларидан апелсин ва ёнғоқлар аралашмасига сезувчанлик 24%, помидорга нисбатан 19% беморларда кузатилган.

Кесишма аллергик холатлар қўйдаги жадвалда кўришимиз мумкин:

	Аллерген	Ўсимликлар чангчалари	Озиқ овқат махсулотлари	Бошқалар
1	Қайин	Эман, оқ шумтол, қарағай, зайдун дарахти, чинор, оқ тол, терак, акация, япон қарағайи, ўсимликлар мажмуаси, отқўноқ, амброзия	Помидор, олма, зифир, гурунч, кашничсимон ошкўк, бодиринг, грек ёнғофи, каштан, сабзи, макажӯхори, киви/манго/банан, апельсин	латекс
2	Отқўноқ	Эман зайдун дарахти, қайин, оқ тол, акация	Кашничсимон ошкўк, бодиринг, помидор, апельсин, сабзи, картошка, ерёнғоқ	
3	Ерёнғоқ	Қайин, эман, оқ шумтол, қарағай, зайдун дарахти, чинор, оқ тол, акация	Олма, сабзи, картошка, кашничсимон ошкўк, бодиринг, помидор	
4	Мушук эпителийси	Япон қарағайи		Candida albicans, ит қазғофи,

				чўчқа гўшти
5	D1	D2, уй чанги		Tyrophagus putresc. Acarus siro

**Хулоса:** PROTIA™ Allergy-Q® 96 М тести орқали бир вақтнинг ўзида bemорлар қонида бир неча хил аллергенларга нисбатан сенсибилизация холатини ўрганиш орқали имконини берада ва иқтисодий жихатдан bemорлар учун нархи жуда арzonга тушади. Бундан ташқари бу тест орқали олинган натижалар bemорлар шикояти клиникасига мос келиши билан бирга, дунё адабиётида келтирилган натижаларга анча мос келади.

#### **Адабиётлар:**

1. Эффективность системы PROTIA™ Allergy-Q® при обнаружении аллерген-специфических IgE: сравнение с системой ImmunoCAP® Джэ Хён Ли , 1, 2 Пак Хе Чон, 1, 2 Пак Кён Хи , 1, 2 Кён Ён Чжон , 2 и Пак Чон Вон.
2. Валидация PROTIA™ Allergy-Q 64 Atopy® в качестве теста для измерения специфического IgE для 10 основных компонентов аллергена Сон Рёль Ким 1 2, Кён Хи Пак 1 2, Джэ Хён Ли 1 2, Бум Джун Ким 3, Джэ Хван Хван 3, Кук Джин Лим 3, Юнг Вон Пак 1.
3. Allergy and autoimmune disease. Сен М.М., Адхикари А., Гупта-Бхаттачарья С., Чанда С. Переносимая воздушно-капельным путем рисовая пыльца и пыльцевой аллерген в сельскохозяйственном поле: аэробиологические и иммунохимические данные. J Экологический мониторинг. 2003;5(6):959-62.
4. Аллергия к домашним животным: особенности диагностики и лечения. Д. Ш. Мачарадзе, доктор медицинских наук, профессор В. Д. Беридзе РУДН, Москва Республиканский центр охраны материнства и детства, Батуми.
5. Паблос И., Вильднер С., Асам К., Уолнер М., Г. Г. Пыльцевые аллергены для молекулярной диагностики. Curr Allergy Asthma Rep. 2016;16 (31): 1-12.
6. Ланкноу Р.К., Эскальмел М., Джекобсон Р.С. и др. Воздействие пыльцы трав на континентальной части Соединенных Штатов: распространенность видов и структура населения. J Allergy Clin Immunol. 2012.